***Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби орқали кўплаб мутахассисларнинг назарий таҳсилларини бериб бораётганлигимиз туфайли унинг қамрови янада кенгайиб бормоқда.***

***Бу галги дарсимизда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Тўқимачилик ва енгил саноат иқтисодиёти ва менежмент» ҳамда «Пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати маркетинги ва аудит» кафедра аъзолари «Банк», «Кредит», «Вексель», «Дилер», «Фойда» ҳақида қисқача маълумот берадилар.***

*Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби*

# БАНК, КРЕДИТ, ВЕКСЕЛЬ

БАНК фаолияти ҳақида ҳаммамиз аниқ бир тушунчага эгамиз, лекин у нималарга қодирлигини кўпчилик англаб етмаса керак. У кредит-молия муассасасидир. Унинг энг асосий вазифаси вақтинча бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга кредит, ссуда бериш, пул ва турли қимматли қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муомалаларни бажариш ва бошқалардан иборатдир.

Банкларнинг турлари қуйидагилардан иборат: миллий банк, марказий банк, тижорат банклари, кооператив банклар, универсал банклардир. Банкнинг фоиз ставкаси — банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори, қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади.

Улар корхона фаолиятига ишлаб чиқаришга керакли пул ва молия ресурсларини етказиш билан бирга иқтисодиётда пул, товар, инвестиция алмашиш ҳаракатини таъминлайди.

КРЕДИТ (қарз) — пул воситаларини товар ва хизматларни маълум устама (процент) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарзга беришдир. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор, яъни кредит берувчи, ссуда (қарз) олувчи томон эса қарздор, яъни кредит олувчи ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда кредит асосан пул шаклида, тўғридан-тўғри банк орқали берилади. Шунинг учун ҳам банклар кредитор вазифасини ўтайди.

Банк кредитининг асосий турлари: муддатлилик, аниқ мақсадга йўналтирилганлик, фоиз тўлаш, моддий таъминланганлик ва бошқалардан иборатдир. Кредитлар эса икки хил бўлади: қисқа муддатли (1 йилгача) ва узоқ муддатли кредит бўлади.

Қисқа муддатли кредит корхона ва ташкилотларнинг айланма фондларини шакллантиришга хизмат қилади.

Узоқ муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармоқларига капитал маблағлар ажратиш манбаи ҳисобланади.

Республикамиздаги банклар фаолиятида векселни қўллаш ҳам оммавийлашиб бормоқда. У кўпроқ пул ўтказиш йўли билан бажариладиган иш ҳисобига кириб, қимматли қоғозларнинг бир тури ҳисобланади.

ВЕКСЕЛЬ — қарздорнинг белгиланган шаклдаги ёзма мажбурияти бўлиб, унинг эгасига муддат ўтиши билан қарздордан пул суммасини талаб этиб олиш ҳуқуқини беради.

У халқаро савдода ҳисоб-китоб ва қарзга мол ва пул беришда қўлланиладиган энг муҳим восита ҳисобланади. Векселлар оддий ва ўтма бўлади. Оддий вексель қарздор томонидан ёзиб берилади ва имзоланади. Ўтма вексель қарз берувчи томонидан ёзилиб, имзоланиб қарздор учун кўрсатилган суммани учинчи шахсга тўлаш ҳақидаги буйруқ саналади.

ДИЛЕР — биржада кўпинча ўз номидан ва ўз ҳисобидан мол олиб сотиш билан шуғулланадиган шахс ёки фирмадир. Дилер оладиган фойда одатда у сотадиган ва харид қиладиган мол нархининг фарқи ҳисобига ҳосил бўлади.

ФОЙДА — сотилган маҳсулот (хизматлар)нинг қиймати билан таннархи айирмаси, қўшимча маҳсулотнинг пул шаклидир. Фойда даромаднинг бир қисми бўлиб, у мувозанат, ҳисоб-китоб ва қолдиқ шаклларига эгадир. Маҳсулот таннархини пасайтириш, жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш фойда ўсишининг асосий омиллари ҳисобланади.

*1996 йил — Амир Темур йили*

# МЕЗОН — ИНСОФ ВА ДИЁНАТ



***Солиқ сиёсати иқтисодий ва молиявий сиёсатнинг таркибий қисмидир. Аммо Соҳибқирон бобомиз Амир Темур чуқур мулоҳаза юритиб, солиқ сиёсатининг иқтисодий ва молиявий сиёсатдаги ўрнини бошқача қилиб белгилаган эди. У солиқ сиёсатида асосан халқ манфаатларини кўзда тутади.***

«Раиятдан молу хирож йиғишда, — дейди Соҳибқирон, уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади, хазинанинг камбағаллиги ҳарбий кучларнинг тарқоқлашувига, бу эса ўз навбатида ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади». («Тузуклар», 98-бет).

Ваҳоланки, Темурдан олдин ўтган мўғул ҳукмдорлари бундай фикрлардан йироқда эдилар. Улар солиқ ҳақида ўйлаганда биринчи навбатда раиятни эмас, ўз манфаатларини кўзладилар.

Амир Темур ўзининг солиқ тизимини шакллантиришда Қуръон ва шариат тавсияларига амал қилди.

Деҳқонлардан олинадиган солиқлар асосан «ушр» солиқлари бўлиб, бу солиқ ҳосилнинг ўндан бирига (10 фоиз) тенг эди. Чиғир билан суғориладиган ерларда (харажатлар анча кўп бўлганлиги сабабли) ярим ушр, яъни (5 фоиз) солиқ олинган. Шаҳар аҳолиси ва шаҳар атрофидаги аҳолидан жон солиғи ва бож солиғи олинмаган. Уларга ҳар хил енгилликлар берилган. Иқтисодий рағбатлантиришга катта эътибор берилган. Солиқлар экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб маҳсулот (натура) ёки пул шаклида ундирилган. Ер солиқлари суғориладиган ерлардан олинадиган ҳосилнинг учдан бир қисми ҳажмида тўланган.

Қишлоқ хўжалигида солиқ йиғадиган амалдорларнинг фаолияти қаттиқ назорат остида бўлган. Солиқ тўпловчи амалдорлар ўзбошимчалик билан солиқлар миқдорини ошириб юборсалар ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги аниқланса, Темур уларни қаттиқ жазолаган ва ортиқча ундирилган солиқ, солиқ тўловчиларга ўзини тиклаб олиши учун қайтариб берилган. Катта тантана ва байрамларда халқ солиқ тўловларидан озод бўлган.

Бирор ўлкани олганида ёки урушсиз таслим бўлганида (бу ҳол эса уни урушнинг ҳалокатли оқибатларидан қутқарар эди), шу ўлканинг даромади ва маҳсулдорлиги ҳақида маълумот тўплашга буюрар эди. Агар ўша ўлканинг халқи олдинги тартибларни сақлаб қолишини истаса, уларнинг хоҳишига рози бўлар эди, акс ҳолда солиқлар у жорий этган тартибда йиғиларди. Солиқлар ернинг маҳсулдорлигига ва жорий қимматига биноан белгиланар эди. Масалан: бирор шахс доимий арик ёки каналдан сув ичадиган ерга эга бўлса ва арик ёки канал суви доимо тўхтовсиз оқиб турса, бундай ердан олинадиган даромад уч қисмга бўлиниб, учдан икки қисми ер эгасига қолдириларди, бир қисми эса давлат солиқчисига топшириларди.

Агар ер эгаси солиқни пул ҳисоби билан тўлашни истаса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми жорий қиймат бўйича пулга айлантирилиб олинарди. Аскарлар эса ейдиган озиқ-овқатлар қимматига биноан мояна олишарди. Агар фуқарога бу тартиб ҳам хуш келмаса, у ҳолда ҳосилнинг ҳар уч ботмонидан алоҳида-алоҳида ҳақ олинар эди. Биринчи ботмондан 3 чорак, иккинчисидан 2 чорак, учинчисидан эса 1 чорак ҳақ олинар эди. Ярми буғдой, ярми арпа экилган ерлардан чиққан умумий ҳосилнинг ярми солиқ ҳисобига ўтар эди. Агар фуқаро натура шаклида тўлашни истамаса, унда буғдойнинг бир чораги беш кумуш мисқолга, арпанинг бир чораги эса 2,5 мисқолга баҳоланар эди. Лекин халқдан олинадиган солиқларни ҳар хил баҳоналар билан кўпайтиришга йўл қўйилмаган. Куз, қиш, баҳор ва ёз давомида ҳосил берувчи ҳамда фақат ёмғир суви билан суғориладиган ерлар ҳосили хусусига келсак, у тенг иккига бўлиниб, бир бўлагининг учдан ёки тўртдан бир қисми олинар эди.

Ўтдан, мевадан ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан, шунингдек хўжалик анжомларидан, ҳовузлардан, яйловлардан ва шу каби бошқа қимматбаҳо ер бойликларидан олинадиган солиқлар ўзгаришсиз қолар эди. Агар фуқаро бунга рози бўлмаса, унда бошқача тартиб танланар эди.

Ғалла йиғиб олинмасдан бурун солиқ тўлаш қатъий ман этилган эди. Солиқлар муайян уч муддатда тўланарди. Агар фуқаро солиқни дилдан рози бўлиб, гап-сўзсиз тўлайверса, унда солиқ йиғувчига ҳам ҳожат қолмас эди. Солиқчига зарурат бўлган тақдирда эса, у (солиқчи) давлат солиқларини йиғиш учун сўз ва таъсир кучи билан ҳаракат қилмоғи, лекин ҳеч вақт бу ишда таёқ, қамчи ёки занжир ишлатмаслиги зарур эди. Умуман унинг қарздор шахсга нисбатан қаттиқ чоралар кўришга ҳаққи бўлмаган.

Мана, Республикамизнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида олиб борилаётган солиқ сиёсатида ҳам буюк бобокалонимиз Амир Темур асос солган давлат солиқ сиёсатига ўхшаб кетадиган жиҳатлар бор.

Бунга сабаб Ўзбекистонда кейинги йилларда ерга бўлган эгалик ҳисси пайдо бўлди ва улардан олинадиган солиқлар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунга 1993 йил 6 майда «Ер солиғи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Шу Қонуннинг 3-моддасида ҳар бир ерга эгалик қилувчи ва ердан фойдаланувчи учун ер солиғи ставкаларининг миқдорлари, ер участкасининг сифати, қандай жойлашганлиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб, табақалаштирилган ҳолда белгиланиши кўрсатилган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз ҳукмронлиги даврида солиқни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғилишини жорий этган эди. Ер солиғи ҳақидаги Қонуннинг 8-моддасининг «е» бандида кўрсатилишича, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган ерлар, (тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, қабристонлар, археология ёдгорликлари ва ҳоказолар) солиқ ундирилмайдиган ер майдонлари турига киради.

Амир Темур даврида мамлакатни улуфа (озиқ-овқат, маош), тайинлаш, яъни юритиши қуйидагича ташкил этилган эди. Дастлаб амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва сипоҳийларга ушбу тартибда маош бериш жорий этилган эди: оддий сипоҳийга (аскарга) ўз вазифасини ўринлатиб, садоқат билан бажариш шарти билан маоши минган отининг баҳосига тенг бўлган. Баҳодирларнинг, яъни ботир аскарларнинг маоши эса икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача тайин қилинган. Ўнбошиларнинг маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларнинг маошидан ўн баробар ортиқ бўлган. Юзбошилар маоши эса ўнбошиларникидан уч баробар зиёда бўлган. Агар юриш пайтларида хатоларга йўл қўйилса, маошларининг ўндан бир қисми камайтирилган. Ўнбоши юзбоши тасдиғи билан улуфа олган. Бош амирул умаронинг маоши қўл остидагилардан уч баробар ортиқ бўлган, ясовул (хонларнинг кичик хизматчиси, яъни қўриқчи), чопқунчи, асосан, тунда, кечки пайтларда ўтказиладиган босқинларнинг қатнашчиси (қалақчи) аҳолидан йиғиладиган ҳосилнинг хирож миқдорини белгиловчи мансабдор шахсларнинг ўз хизматларига яраша мингдан, ҳатто ўн минг тангагача миқдорда бўлган.

Саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, муҳандисларга ўз ҳолларига, маълум хизматларига, тоифаларига қараб суюрғол, вазифа ва маош белгиланган. Барча турдаги хизматчи (бу ерда палос тўшовчидан тортиб, кўча супурувчигача маъносида)ларга юз тангадан минг тангагача маош берилар эди. Умуман, давлат томонидан бериладиган маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеги ва вазирлар Амир Темурга билдириб, сўнг танҳо (бу ерда сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва аскарлар учун махсус хазинадан бериладиган маош) белгиланарди. Баъзида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга танҳо сифатида ер, сув ҳам берилган, Пиёдалар, қалақчилар, ясовулларнинг бир йиллик маошлари, белгиланган маблағлар девонхонага келтирилиб, шу ернинг ўзида уларга улашилган. Сипоҳийлар ва баҳодирларнинг ярим йиллик маошлари ҳисоблатилиб, танҳо давлат хазинасидан тўлаб борилган. Ўнбоши, юзбошиларга маош шаҳар аҳолисидан олинадиган солиқлардан йиғиладиган хазина ва подшолик мулки даромадидан нақд пул ҳисобига тўланган.

Мингбошиларга вилоят ичидаги ерлардан олинадиган даромадлардан маошлар тўланган. Вилоятлардан ва мамлакатлардан олинадиган жами даромадлар тақсимланиб, маош бериш ёрлиқларига бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёзилган. Сўнгра эса ёрлиқлар девонхонага келтирилган. Амирлар, мингбошилар шу ёрлиқлардан бирини чиқариб олганлар.

Сипоҳ ва раиятга бир кўз билан қараб, баҳодирлар ва довюракларга махсус фахрий ўтоға (бош кийимга тикиладиган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги), камар ва таркаш (садоқ-ўқдон) тақдим этиб, мартабаларини янада юқори кўтартирган. Ҳар эл ва ҳар мамлакат улуғларини бошлиқ оқсоқолларини қадрлаган. Уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаланган. Сипоҳийларни ҳамиша жангга тайёр туришлари учун ойлик ҳақларини сўраттирмай, хазинадан ўз вақтида тўлаб борилган.

Амир Темур ҳар бир ишни, раиятдан солиқлар ва ҳирожлар йиғишда ҳам, маош ва улуфалар тайинлашда ҳам инсоф ва адолат юзасидан иш юритди. У бу дунёда ҳеч бир зот ўзидан норози бўлиб кетишини истамас эди. Бу тўғрида унинг «Тузуклари»да айтишича, «Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Бегуноҳга эмас, гуноҳкорга раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим... Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим...» Амир Темурнинг инсоф ва адолатга доир фикрлари ҳозирги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ва кўрсатган шижоатларига жавоб беради.

Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у кучқудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканлигини теран англади», — деганларида нечоғлик ҳақ эканлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ўктам НИКБОЕВ,
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти аспиранти.*

***2-автокомбинат ҳозирги кунда замонавий енгил автомобиллардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатишга тўла мослашган энг йирик корхонадир. Яқинда штатсиз мухбиримиз автокомбинат касаба уюшмасининг раиси Фарҳод Нўъмонов билан мулоқотда бўлди.***

*Бозор тадбиркорликни ёқтиради*

# ИМКОНИЯТНИ ЎЗЛАРИДАН ҚИДИРГАНЛАР

**— Корхонанинг бугунги фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бизда 1305 автомобиллар мавжуд бўлиб, улардан 356 таси «ГАЗ-2410» такси, 418 таси «Доган» такси, 497 таси буюртма хизматида, 98 та «РАФ» маршрутли такси автомобилларидир.

Ишчи-хизматчиларимиз умумий сони 2521 киши. Шундан 1346 таси ҳайдовчи, 148 таси аёллар бўлиб, улар турли лавозимларда хизмат қилишади.

Корхона енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш учун зарур барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ўзининг тузатиш устахонасига эга. Устахонада кўпгина ишдан чиққан қисмлар таъмирланмоқда, зарур эҳтиёт қисмлар резина-техника ва токарлик цехларида ишлаб чиқарилмоқда. Автомобилларни ва уларнинг барча агрегатларини устахонанинг ўзида тўла таъмирлаш йўлга қўйилган.

Республикамиздаги барча меҳнат жамоалари қатори жамоамиз ҳам бозор иқтисодиёти қўяётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга интилмоқда. Касаба қўмитаси, маъмурият билан биргаликда ишчилар маошларини ошириш тадбирларини амалга оширмоқда. Режа кўрсаткичларини ошириб бажарган ҳайдовчиларнинг ойлик маошлари мукофот ва қўшимча тўловлари ҳисобига 6-8 баробар ортмоқда.

Бундан ташқари барча ходимларимиз ҳар ойда 90 сўмдан қўшимча ҳақ оладилар. Қўшимча тўловлар миқдори транспортда юриш ҳақлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларига қараб ошиб боради. Ишчи-хизматчиларимизга бериладиган ҳақ республикадаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги жамоа шартномасида белгилаб олинган.

Бундан ташқари корхонамизда ишлаб, боқувчисиз қолган ходимларимизнинг оилаларини оталиғимизга олганмиз. Бу оилаларга ҳар ойда энг кам ойлик маошининг 50 ва 100 фоизи миқдорида моддий ёрдам пули, фарзандларининг балоғат ёшига етгунларича тўланади. Байрам муносабатлари билан ишчилар билан бирга фахрийларимизга ва оталиғимиздаги оилаларга ёрдам пули, мукофотлар тўланмоқда.

Яқинда корхонамиз ташкил топганига 35 йил тўлиши муносабати билан «Алпомиш» саройида ишчи-ходимларимизга байрам концерти ташкил қилинди. Уларнинг меҳнат тажрибаларига қараб 200 сўмдан 1500 сўм миқдорида мукофот пуллари берилди. Маиший бинода сауна, сартарошхона, омонат кассаси, озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони хизмат кўрсатмоқда.

Спорт билан шуғулланувчилар учун кураш зали, стол теннис зали, футбол ишқибозлари учун ўйин майдони мавжуд. Йил давомида шахмат-шашка, стол тенниси ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Ишчи-ходимларимизнинг ҳордиқ чиқаришлари учун «Яллама» оромгоҳидаги кўл бўйида 12 хонадан иборат бино қурилган бўлиб, шанба ва якшанба кунлари дам олувчиларга корхонамиз автобуслари бепул хизмат кўрсатмоқда. Даволанишни истовчиларга ўтган йили касаба уюшмаси томонидан бериладиган йўлланмалар билан бирга корхона ҳисобидан олинган 100 дан ортиқ йўлланмалар имтиёзли тарқатилди.

**— Маълумки, эҳтиёт қисмларининг етишмаслиги муаммолигича қоляпти. Бу қийинчиликлардан чиқиш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

— Биринчи навбатда янги техника кашфиётчиларининг ҳамкорликда ижод қилишларига қулай шарт-шароит яратиб берилмоқда. Буни корхона фидокори Неъмат Аҳмаджонов мисолида кўриш мумкин. Ҳамиша изланувчан бу инсон меҳнат фаолиятини бошлаганига 30 йилдан ошди. Механик, автосаф бошлиғи, 1972 йилдан 2-такси автокорхонасида бош муҳандис вазифасида ўзига кўрсатилган ишончни оқлаб келяпти. У бир гуруҳ ихтирочилари билан ҳамкорликда 70 га яқин эҳтиёт қисмларни шу корхонада ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Юқори кучланишдаги электр қувватини бериш усули билан двигатель гильзалари қайтадан асл ҳолига келмоқда. Ишлаш муддатини ўтаб бўлган тирсакли валлар таъмирланмоқда. Насос ва тезликни кучайтириш қурилмалари, блок цилиндрлари ва бошқа деталлар қайта таъмирланяпти.

Ҳозирги кунда эҳтиёт қисмларни четдан олиб келишга ҳеч ўрин қолмади. Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмасига қарашли автокорхоналар бизда ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмларга муҳтож бўлиб қолсалар, уларга ҳам ёрдам берилмоқда. Айниқса, Абдураҳмон Солиҳов, Завдот Маъдиев, Саидамин Эшонхонов каби техника кашфиётчилари бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларни енгишда таянч бўлмоқдалар.

**—Таъмирлов устахонасини кўпинча корхонанинг бош қон томирига ўхшатишлари бежиз эмас экан-да?**

—Мутлақо тўғри. Бу хусусиятни Абдураҳмон Солиҳов етакчилигидаги таъмирлаш устахонасида кўриш мумкин. Устахонага кирсангиз бирорта бекор турган одамни учратмайсиз. Корхона биносининг биринчи қаватига жойлашган бу участкада 15 та бригада ва 5 та катта қисмда икки сменага бўлиниб буюртмачиларга ҳожатбарорлик қилиб келишяпти.

Резина-техника маҳсулотларини тайёрлаш цехи кейинги кунларда самарали ютуқларни қўлга киритди. Автомобиль двигатели камарлари ва резина қатламчалари, сальниклар, тормоз, вакуумни кучайтиргич резина қўлқоплари, турли манжетларнинг ишлаб чиқарилиши корхона даромадини оширмоқда. Ҳатто Ангрен шаҳридан олиб келинган хом резиналар қайта пиширилмоқда. Рисқим Нурматов, Эргаш Омонов, Бахтиёр Тўраевлар резина маҳсулотлари сифатини оширишда астойдил хизмат қилишмоқда.

Машиналарнинг электр қисмларини созлаш, эскиларини янгиларига алмаштиришни яхши йўлга қўйган Эдик Амирян ва унинг шогирдлари машина ёритгичларини ўчириш ва ёқиш электр токи тақсимлагичлари, ойна тозалагич ва двигателнинг куйган қисмларини қайта таъмирлашда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Суҳбатдош
Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.





*Яккасарой туманидаги мактабларни озиқ-овқат билан таъминловчи жамоа корхонаси тумандаги 15 та мактабга хизмат кўрсатади. Корхонада тайёрланаётган таомлар ўзининг арзонлиги ва юқори сифати билан ном қозонган. Тумандаги 160-мактабда 22 йилдан бери ошпазлик қилиб келаётган Ҳаким Зоиров тайёрлаган таомлар нафақат ўқувчиларга, балки катталарга ҳам манзур бўлмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: Ҳаким Зоиров иш пайтида; ошпаз тайёрлаган мазали егуликлар.*

*Холмат Мирзакаримов олган суратлар.*

***«Тошкент оқшоми»нинг аввалги сонларидан бирида «Бекатлар қайта тикланса» сарлавҳали хабар эълон қилинган эди. У Яккасарой туманидаги Бўрижар маҳалла аҳолиси номидан бўлиб, унда Бешёғоч кўприги қуриб битказилгандан сўнг троллейбуснинг шу ердаги Пойабзалчилар саройи бекати олиб ташланганини, шунга кўра бўрижарликларнинг ишга бориб-келиши қийинлашгани, айниқса бозор-ўчар қилганда оғир юкларни анча масофадан пойи-пиёда кўтариб келишга мажбур бўлишаётгани куюниб айтилган эди.***

*Мавзуга қайтиб*

# БЕКАТ БОРМИ ЁКИ ЙЎҚ?

Ушбу шикоят юзасидан Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳаракат хавфсизлиги хизмати бўлимига мурожаат қилдик. Бўлим бошлиғи Тўлқин Мирбобоев шикоят юзасидан жавоб бера туриб кўприк қурилиши тугаллангач Бобур кўчасининг Бешёғоч томон йўналишида бекат учун жой қолмагани, аэропорт томон йўналишида эса жой бору, лекин кутиш майдончаси қурилмаганини айтди. Агар ана шу жойда транспортни кутиш майдончаси барпо этилса, троллейбус тўхтовини йўлга қўйиш у қадар қийин масала эмаслигини, бунинг учун туман ободонлаштириш бўлимига мурожаат қилиш лозимлигини маслаҳат берди.

Яккасарой тумани ободонлаштириш бўлими бошлиғи Собир Зоҳидов ҳузурида ҳам бўлишга тўғри келди. Бўлим бошлиғи жамоат транспортларининг қаерда тўхташи масаласини шаҳар ДАН хизмати мутасаддилари ҳал қилишини, агар Пойабзалчилар саройи бекатида троллейбус тўхтовига рухсат берилса кутиш майдончасини қуриш мумкинлигини айтди. ДАН ходими «Бобур кўчаси лойиҳасида бекат ўрни кўрсатилмаган, шунинг учун бекат йўқ» деди. Унинг маслаҳати билан Тошкент «Бошрежа» илмий-тадқиқот институтида ҳозир бўлдик. Институт бош муҳандиси Олег Орманов муддаомизни англагач, олдимизга Бобур кўчасининг лойиҳасини ёйиб қўйди ва тушунтира кетди. Шундагина ҳақиқий аҳвол маълум бўлди. Лойиҳада кўрсатилишича Пойабзалчилар саройи бекати учун кўчанинг Бешёғоч томон йўналишида ҳақиқатан ҳам жой йўқ. Лекин шуни ҳисобга олган ҳолда бу бекатдан аввалги педагогика институти бекати 100 метр олдинга, яъни собиқ Пойабзалчилар саройи томонга сурилган. Шу билан Бобур кўчасининг бу томонидаги бекат масаласи ўз ечимини топган. Лекин лойиҳада кўчанинг иккинчи томони, яъни аэропорт томон йўналишида бекат учун етарлича жой ажратилганини кўриш мумкин. Амалда эса бекатнинг ўзи йўқ. Шундай экан бу ерда, табиийки, троллейбуслар тўхтамай ўтади.

Ушбу ғалати ҳолат бўйича Бўрижар маҳалласи аҳолиси энди қайси ташкилот ёки идорага бош уриб бориши керак? Ахир ушбу масалага мутасадди ташкилотларнинг барчасида бўлишга тўғри келдику. Қизиғи шундаки, уларнинг берган жавобларидан хулоса қилиб Пойабзалчилар саройи бекати «бор» ёки «йўқ» дея аниқ айтиб бўлмайди. Ушбу масалага мутасаддилар эътиборини яна бир бор жалб қилиб, айниқса Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда Яккасарой тумани ободонлаштириш бўлими ходимларининг биз сўз юритган муаммо бўйича муносабат билдиришларини кутамиз.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

*Иш билан бандлик*

# БЎШ ЎРИНЛАРГА ЖОЙЛАШИШДИ

***Акмал Икромов тумани бандлик хизмати ўзининг навбатдаги меҳнат бозорини одатдагидек «Фарҳод» деҳқон бозори яқинида ўтказди.***

***Бу тадбирга тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари, маҳалладаги вақтинча ишсиз юрган ёшлар, мактаблардаги юқори синф ўқувчилари ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этишди.***

— Бундай тадбирнинг тез-тез ўтказилишидан манфаатдормиз, — дейди А.Хўжаев номидаги миллий ҳунармандчилик лицейининг ходимлар бўлими бошлиғи Гулчеҳра Азимхўжаева. — Миллий ҳунармандчиликка ихлос қўйган ёшлар лицейимизда кичик ва ўрта бизнес менежери, кичик ва ўрта бизнес учун ҳисобчи, котиба-референт (инглиз тили қўшиб ўқилади), ЭҲМ бўйича референт, кенг қамровли тикувчи-тадбиркор, қурувчи-тадбиркор, савдо-сотиқ бўйича агент каби мутахассисликларни эгаллашлари мумкин. Фақат имтиҳон билан қабул қиламиз. Меҳнат ярмаркаси орқали бизга катта қизиқиш билан ташриф буюраётганлар кўпаймоқда. Бу эса, бизга истеъдодли, қобилиятли ёшларни танлаб олишимизга имкон беради.

Шу куни жами 47 корхона ва ташкилот, 20 дан ошиқ маҳалладан, жами 500 нафар ишсиз фуқаро, 1041 нафар юқори синф ўқувчиси, 26 нафар вилоятлардан келган вакиллар қатнашишди.

— Меҳнат бозоримизда бугун 40 нафар фуқаро ишга йўлланма олди, — дейди туман бандлик хизмати раҳбари Абдураҳмон Комилов. — 118 нафар фуқаро эса ходимлар бўлими мутахассисларидан маслаҳат олди (деярли ярми ишга жойлашиши мумкин), 105 нафар фуқаро компьютер орқали ўзларига маъқул иш қидиришди, 42 нафар фуқаро ҳуқуқшуносдан ҳуқуқий маслаҳатлар олди.

Акмал Икромов тумани маданият уйининг қўшиқ ва рақс дастаси ва боғча ёшидаги болаларнинг куй-қўшиқлари даврага файз бағишлаб турди.

Меҳнат бозорини республика Меҳнат вазирлиги, Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ҳамда туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда мутахассислар кузатиб туришди.

Латиф ЗАМОН.



*Саҳифамиз меҳмони*

# ХУРСАНДЧИЛИКДАН БОШҚА ТАШВИШ ҚОЛМАСИН

***Кўпчилик қизиқчилар «Тўхтамурод ака менинг устозим бўладилар» дейишни ёқтиришади. Аксарият томошабинлар учун эса у киши салоҳиятли кулгу устасига айланган. «Тўхтамурод ака жиддий қиёфада туриб ҳам барчага қувноқлик, завқ бағишлай оладилар» дейишади айримлар.***

***Бугунги меҳмонимиз айнан шу кулгу устаси, ёшларнинг ғамхўр устози Тўхтамурод Азизов ёнларига неваралари Азизжонни олиб, анча-мунча нарсаларни ҳикоя қилиб бердилар.***

**— Санъат оламида ва айнан қизиқчилик соҳасида аслида узоқ йиллардан буён меҳнат қиласиз-ку, лекин томошабинлар учун негадир сиз 5-6 йилдан буён ишлаяпсиз. Нима учун шундай?**

— Мен 1969 йилдан буён кулгу улашаман. Авваллари телевидениеда ҳажвий ижрочиларнинг чиқиши чегараланган, «рамкага солинганди». Унда маълум миқдордаги қизиқчилар қатнашарди-ю, шу билан тамом эди. Энди бу гаплар билан мени қизиқчиликдан йироқ юрган, деб ўйлаш ҳам нотўғри. Чунки халқ сайиллари, байрам кечалари, турли йиғин ва томошаларда мунтазам иштирок этиб борардим. 80-йиллардан кейин, Обиджон, Мирзабек каби қизиқчиликка иштиёқи баланд йигитлар билан бирга ҳар хил саҳна томошаларини тайёрлаб, халқимиз ҳукмига ҳавола эта бошлаганмиз. Ундан илгарироқ, 60-йилларда эса уста санъаткор Абулқосим Тўйчиев тўй, йиғинларда қизиқчилик қилардилар. Шу кишига эргашиб юриб қизиқчиликнинг сир-синоатларини эгалладим...

**— Сизнингча халққа кулги улашувчилар қандай хислат эгаси бўлиши керак?**

— Ҳамма ҳам кулги устаси бўлавермайди. Халқнинг дарди, руҳияти, кайфияти, унинг бирор камчилигию бор-йўғини ҳис этмаган одам қандай қизиқчи бўлади?! Уни қизиқчи санъаткорлар сафига қўшишнинг ўзи ноўрин-ку! Енгил-елпи кулгию масхарабозликнинг умри қисқадир.

**Тухтамурод ака билан суҳбат мобайнида шундай жиддий инсон қандай қилиб қизиқчи бўлганига ҳайрон қолиб ўтиргандик, шартта бир латифани бизга илиндилар.**

***— «Бир йигит тижорат дўконига кириб сотувчидан сўрабди: «Анави қутидаги нима? Япон телевизорими? Шундан тўртта беринг. Манави видеомагнитофонми, ундан ўн иккита олиб беринг. Нима, ҳаммаси юз минг бўлдими? Мана пулини олинг», деб дўкондан анча-мунча нарса харид қилиб чиқиб кетди. Эртасига худди шу дўконга ўша йигитнинг дадаси — қаригина отахон кириб келибди-да: «Ойнанинг ичидаги ҳасса неча пул?» деб сўрабди. «Йигирма беш сўм». «Носвой шиша неча пул?» — яна сўрабди отахон. «Ўн беш сўм». «Вуй, мунча қиммат экан!» дебди отахон. Сотувчи: «Ота, кеча ўғлингиз юз минг сўмлик нарса харид қилди, сиз нега буларни қиммат деяпсиз?» деб сўрабди. Отахон ҳам пинагини бузмай: «Ўғлимнинг бошида дадаси бор, мен эса ғирт етимман», деб дўкондан чиқиб кетибди».***

**— Тўхтамурод ака, сизнинг айнан шундай соҳани танлашингизга нима туртки берган?**

— Дадам жуда гапга чечан эдилар, жиддий қиёфада туриб ҳам анча-мунча қизиқ гапларни айтиб, кўпчиликни кулдиравердилар.

**— Одамларга қувноқ кайфият улашиш ҳам осон эмас. Саҳнага чиқсангизу лекин ҳеч ким гапингизга кулмаса, қизиқчи учун бундан ҳам мушкул аҳвол бўлмаса керак?**

— Худога шукрки, ҳали менда бундай ҳолат бўлмаган. Агар халқни кулдириш учун саҳнада ярим соат хизмат қилсам менга бу иш саккиз соатлик оғир меҳнат билан баробардир. Сабаби жуда қисқа дақиқалар ичида томошабинни ўрганиб ички кечинмаларини тушуниб, гапни нимадан бошлаш зарурлигини аниқлаб олиш керак. Бордию санъаткор ўтирганларни хушнуд қилолмаса энди унга фақат битта замбил даркор бўлади.

**— Қизиқчилик билан бачканалик тамомила бошқача тушунча, аммо улар ўртасидаги масофа бир баҳиялик гўё...**

— Айрим ўзини қизиқчи ҳисобловчиларнинг мақсади ноаниқдир. Қаранг, улар бир-икки марта бачканалик қиладию, шу қизиқчилик ўрнига ўтаверади. Ажабланарлиси шундаки, ўшаларнинг ҳам ўзига яраша ишқивозлари бор.

Санъаткорларимиз кўп, лекин нимага кулгу усталари озгина? Худо юқтириб, шу йўлга бошлаганлар қизиқчи бўлишади менимча. Кейин улар 20-30 йилда бир етишиб чиқадилар.

**— Саҳнадаги ижроингиз орқали томошабин сизнинг фарзандларига, айниқса қизларига ўта меҳрибон ота эканлигингизни жуда осонгина пайқайди.**

— Олий ўқув юртида илм олиб юрган пайтларимда Назира Алиева деган домлам бўларди. Улар: «Ўғлим, сен доимо ўзингни, ўзлигингни ижро этгин, шундагина ўша одамнинг образи келиб чиқади», дер эдилар. Табиатан қандай бўлсам ролларни шундай ижро этаман.

**— Кулгуни сиз қандай тушунасиз?**

— Одамзодда икки асосий хислат — хурсандчилик ва хафагарчилик мавжуд бўлиб, унинг руҳияти қайси хислатни кўпроқ ишлата билиш билан боғлиқ. Агар яхши кайфиятни ўзингизга ҳамроҳ билсангиз, муомалангиз ҳам, ишларингизнинг юришиб кетиши ҳам шунга тортиб кетади. Ўзгалар гапидан эса фақат яхши жиҳатларни оладиган бўласиз. Инсон кулгиси ҳам самимий бўлиши керак. Самимий кулгу умрни узайтиради.

**— Оилангиз ҳақида ҳам сўзласангиз.**

— Уч қиз, уч ўғил, икки келин, икки куёвнинг дадасиман, олти неваранинг бувасиман. Менинг тенгдошларим ҳали бунга эришганларича йўқ, демак мен бахтли инсонман. Энди фарзандларимнинг санъатга қизиқиши ҳақида гапирадиган бўлсам, ҳаммаларининг унга мойиллиги бор-у, лекин ҳаракатлари йўқ. Ўн беш ёшлик кенжатой ўғлимиз бундан мустасно. У қизиқчиликни кўпчилик шогирдларимдан ҳам ўтказиб юборади. Менимча ундан ёмон қизиқчи чиқмаса керак.

**Тўхтамурод ака кенжатойларининг битта латифасини айтиб бердилар:**

***«Икки дўст суҳбатлашарди.***

***— Сен пулингни қаерга яширасан?***

***— Гилам тагига, сен-чи?***

***— Хотинимнинг кийим илгичда осилиб турган пальтосининг чўнтагига.***

***— Сени қараю, пул беркитиш учун тузукроқ жой топа олмадингми?***

***— Хотинлар ҳеч қачон ўз кийимининг чўнтагини титкиламайди-да, — дебди ўртоғи».***

**— Тўхтамурод ака, «Кулгихона» мухлисларига қандай тилаклар билдирасиз?**

— Тилагимиз ҳар доим битта: халқ тинч, юрт обод бўлса, одамларнинг хурсандчиликдан бошқа ташвишлари қолмайди, хонадонларида эса доим байрам бўлаверади.

Суҳбатдош Назокат УСМОНОВА.

*Ҳангомалар*

## ЯРИМТА БОШ

У сочлари ўсган, тўзиган ҳолда сартарошхонага кириб келди. Бироз навбат кутиб ўтиргандан сўнг, сартарош кўрсатган ўриндиққа ўтирди, беш дақиқа вақт ўтмасданоқ соч олиниб бўлди. Устадан неча сўм тўлашини сўради.

— 50 сўм, — деди сартарош.

— Нега 50 сўм бўлар экан, бошимнинг тепасида бир дона ҳам тук йўқ. Шу сабабли беш дақиқага қолмасдан сочни олиб бўлдингиз. Шунинг учун мен сизга 25 сўм бераман, — деди мижоз.

— Акамулло, хафа бўлманг, — деди сартарош, — бизнинг нархномамизга яримта бош ёзилмаган, эллик сўм бераверинг.

## ТОРТИБ ЮБОРАМАН

Холхўжа кўққисдан озиқ-овқат дўконидан бўшаб, мактабда ўқитувчилик қила бошлади. У арифметикадан дарс ўтаётиб, орқа партада ўтирган Жамол билан Камол дарсга қулоқ солмай алланималарни гаплашиб, ҳиринг-ҳиринг кулишиб ўтиришганини пайқаб қолди. Танбеҳ бериш мақсадида доскага чиқарди, дўкондан ўтган эмасми:

— Ҳозир иккалангни чаккангдан тортиб юбораман, — деди жаҳли чиқиб.

— Холхўжа ака, бизни кечиринг, бошқа гаплашиб ўтирмаймиз. Лекин қандай қилиб тортсангиз тортаверинг, биз бундан бир ҳафта илгари ҳайвонот боғига борганимизда ўзимизни торттирган эдик, атиги 31 килодан чиқдик, — деди Жамол билан Камол.

## МЎЙЛОВНИНГ ХОСИЯТИ

Қўзивойнинг ўғли Ҳазратқул шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идорасида ишлайди. Унинг мўйлов қўйганини энди кўришим. У кўзида кўзойнак, бўйнида галстук шоҳкўчалардан бирида кетаётган экан, саломлашдик. Сўнг мен унга ҳазил аралаш дедим:

— Сенга мўйлов жуда ярашибдида, яқинда мўйлов оши ер эканмизда.

— Бош устига, сиз билан ош есак яхши бўлади, лекин бу мўйловнинг хосияти жуда катта. Бутун ер юзида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни экология иши деб аташади. Атроф-муҳит ўз-ўзидан булғанган эмас, тупроқ, сув, ҳавони сиз билан биз, яъни одамлар булғатган. Одамларнинг лоқайдлиги сабабли атроф-муҳит ифлосланиб келмоқда. Оддий мисол: ичиб турган сувимизда калций миқдори 20 миллиграммдан ошмаслиги керак. Ҳавони айтмайсизми, кимё корхоналари, цемент ва асфальт чиқарувчи заводлар уни булғатиб туради. Булар тўғрисида алоҳида маъруза қилиш мумкин. Энди мана бу мўйлов эса бурундан ўтишга ҳаракат қилаётган ифлос ҳавони озми-кўпми фильтрлаб туради. Натижада мўйловли киши кечаю кундуз бемалол нафас олиб юриши мумкин, — деди Ҳазратқул, — мўйлов ўстиринг, ака, мўйлов.

Маҳкам ҚЎЧҚОР ўғли.

## КИМ НИМАГА ЎХШАЙДИ?

Дилобар билан бирга ишлаймиз, ёшимиз ҳам деярли баравар. Кунларнинг бирида у менга ғалати гап айтиб қолди:

— Биласанми, анави Саида опа бор-ку, режалаштириш бўлимидагичи, ўша худди эски граммафонга ўхшайди-я!

— Нега унақа деяпсан? — ажабланиб сўрадим мен.

— Нимага бўларди, — кўзини пирпиратди Дилобар, — қачон қарасанг ғинғиллаб битта эски гапни айлантиргани-айлантирган. Ғирт граммафоннинг ўзгинасида. Ҳа, кечагина ишга келган Маъмура деган қиз бор-ку, ўша диктофонга ўхшаб Замирага телефон қилишадими ё танишлари бир гап айтиб қўйишадими, оқизмай-томизмай борини мия деб аталмиш ўзининг кассетасига ёзиб олади-да, қайтадан Замирага эшитиш учун қўйиб беради.

— Қани, яна ким нимага ўхшаркан? — сўрадим атайин қизиқсиниб.

— Замиранинг ўзи бўлса антеннага ўхшайди, ҳамма ердан келаётган зарур-нозарур гапларга ҳам қулоқ солишни, гап пойлашни яхши кўради.

— Хўш, яна-чи?

— Янами. Қодир ака нуқул масхарабозлик қилиб, томоша қўяверади. Уни кўрганимда негадир эсимга телевизор тушади. Каттакон, рангли телевизор-чи... Хафа бўлмагину, сени негадир телефонга ўхшатаман. Ким гапирсаям ҳа демай, йўқ демай эшитаверасан.

— Ҳм, яхши, демак Саида опа — граммафон, Маъмура — диктофон, Замира — антенна, Қодир ака — телевизор, мен — телефонман, — дедим жўрттага қовоғимни уйиб, — қарая шу тобда негадир эртаю кеч тинимсиз сўзлайдиган радиокарнай кўз олдимга келяпти!

— Йўғ-ей, — уялиб кетди Дилобар, — жа-а радиокарнайга ўхшамасман?..

Нозима ИСЛОМОВА.




***Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади.***

*Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.*



***Кўк чой деганни мириқиб кулгандан кейин хўпласангда, лаббай?***

***Рустам Шарипов олган сурат.***

*Билса ҳазил...*

## ТЎРТЛИКЛАР

Чумчуқ сўйса қассоб сўйсин деганлар,
Катта ошни ошпаз қилсин деганлар.
Чолғуни қўлига оларкан, дўстлар,
Созандаси етук бўлсин деганлар...

❖

Хонанда бор сўзларини чала айтур,
Бошлаб қўйиб сўзини дер: «Қийин байтдур».
Эслай олмай хўб қизариб, бўзарганча,
Авжин ташлаб, дарров ортига қайтур.

❖

«Ҳофиз» қўшиқнинг шеърини ёдлаб,
Не қилсам экан дея ўйларди.
Ҳали саҳнанинг чангини ютмай,
Каттароқ унвон талаб қиларди.

❖

Керакли ва муҳим ишни уддалаш,
Билиб қўйки, бажардингми, ўзи бахт.
Унвонни қилса гўштдек хомталаш,
Таъмагирга энг оғир жазолардир тахт.

❖

Отарчи деб ном олганди бир машшоқ,
Кичик тўйни писанд қилмас, деб қашшоқ.
Катта тўйнинг ҳидин сезиб қолса гар,
Ваъдаларин вайрон этарди шу чоқ.

❖

Билганим бор, сўзидан бол томади,
Мусиқани чала-партиш чаларди.
Кўчирмачи эди, юзсиз, ялтоқи
Айбин айтсанг ўша замон тонарди.

## АЖРАЛИШ

Янги обод даҳасида,
Янги бозор очилган.
Мевалар кўп пештахтада,
Сабзавотлар сочилган.
Велосипедларни миниб,
Бордик қўшним икковлон.
Уни-муни харид қилиб,
Олдик, пиёз, бақлажон.
Велосипедларни қўйиб,
Биримиз қараб турдик.
Иккинчимиз харид қилиб,
Хаёлни пулга бурдик.
Велоларнинг иккисин,
Шу-да гапнинг тўғриси:
Кўзни шамғалат қилиб,
Миниб кетди ўғриси.
Келган бало шунга урсин,
Хўрсиндик биз зиёда,
Ўғри гўрига ғишт қалаб,
Уйга қайтдик пиёда.

Сайфи САМАРҚАНДИЙ.

*Аския*

## КЎЗ ПАЙРОВИ

ШОШИЙ: Шеърий хатимга Сиздан жавоб келармикан деб роса кўз тикиб ўтирибман.

МУЗАФФАР: Хотиржам бўлинг, жавоб ёзишга шошилаётганим йўқ. Ўқимоқ ва эшитмоқ хўп яхши-ку, аммо кўз билан кўрганга не етсин деб, келишингизни кутмоқдаман.

ШОШИЙ: Менимча шеърий хатга шеърий жавоб ёзишга кўзингиз етмаётгандир, яхшиси тан олинг.

МУЗАФФАР: Мени маломат қилманг. Шеърий жавоб ёзишга кўзим етади. Сабр қилинг бир кўзлаб кўрай.

ШОШИЙ: Танқид ҳақиқатан ҳам келажакнинг меваси. Танқид кўр кўзни ҳам очади.

МУЗАФФАР: Айрим гапларни эшитмасликка олган яхши, кўзни кўр, қулоқни кар қилганларнинг иши жойида.

ШОШИЙ:Мен Сизга ҳайронман. Телефонда кўз-қошдек дилга яқинсиз дейсиз-у, дўстларни кўз билан кўрай демайсиз.

МУЗАФФАР: «Қарс икки қўлдан чиқади» дейди халқимиз. Мажлисдан чиқиб, трамвайда сиқилиб кетаётганимни кўрибсиз-у. Буни менга Сизни кўзи билан кўрганлар айтди.

ШОШИЙ: Мен Сизни трамвайда мутлақо кўрганим йўқ, чунки мен кўзимни юмиб, «Қаро кўзим»ни тинглаб кетаётган эдим.

МУЗАФФАР: Тинглаш билан бирга, ашула айтишга уста экансиз. Тунов кунги йиғинда «Икки фаттон кўзларинг»ни маромига етказиб айтдингиз.

ШОШИЙ: Ҳамма нарса кўзингизга кўз бўлиб кўринса керак. Кечаги зиёфатда хурмачани Сизга кўрсатиб бу нима десам, кўз-а деб жавоб бердингиз.

МУЗАФФАР: Мени кечиринг, рўпарамдаги сарвиқомат билан кўз уриштириб ўтирган эдим, саволингизнинг мағзини чақмабман.

ШОШИЙ: Ўша «нозанин»ни ҳар бир танишингизга кўздай қўшним деб мақтайсиз-у, орқасидан кўз олайтирасиз.

МУЗАФФАР: Мени маломат қилманг. Бизда унақанги номаъқул қараш йўқ. Инсон боласига холисаниллоҳ кўзгуга боққандек боқаман.

ШОШИЙ: Дўст ачитиб гапиради. Очиғини айтсам, ёмон кўздан асрасин деб, конвертга солиб, елимлаб юборган хатимга жавоб олмаганим учун Сиздан хафаман. Кеча-кундуз иш деб, азиз дўстларни кўзига кўринмаслик одобдан эмас.

МУЗАФФАР: Сизни тез-тез кўргим келади-ю, ўзингиз ҳам «дом» олдим деб «кўз кўрмас, қулоқ эшитмас» даҳага кўчиб кетдингиз. Иложи бўлса марказни кўзланг.

ШОШИЙ: Мана энди, ҳақ ҳамиша ўз жойида қарор топади. Бозор иқтисодиёти даврида машаққатли меҳнатингизни кўзсиз одам ҳам кўради.

МУЗАФФАР: Нима ҳам дердик. Аския ҳам ниҳоясига етди. Тинчлик-омонлик бўлсин. Яқин кунда кўз билан кўришгунча хайр.

Сиддиқхўжа УМАРХЎЖАЕВ.

# ЎЗИМ ГАПЛАШИБ ҚЎЯМАН

*Ҳажвия*

Тўйчибой учун укасининг тўйи «муддатидан анча олдин» ўн-ўн беш кун аввалроқ бошланди. Гарчи ҳали бу йилги меҳнат таътилига фурсат етмаган бўлса-да, тўй баҳонаси раҳбарига вазиятни тушунтирди.

— Шу хонадоннинг каттасиман, эртароқ бориб, унга ўзим бош-қош бўлмасам бўлмайди.

— Ие, шунга ҳам ота гўри қозихонами, — ярми ҳазил, ярми чин маънода Тўйчибойга жилмайди раҳбар. — Жазоси чойхонада битта қулинг ўргулсин паловхонтўраю иккита беш юлдузли коньяк-да!

— Бизни ошдан қочирасизми, хўжайин, — деди Тўйчибой ҳам бўш келмай, икки қўлини кўксига қўйиб. — Доим хизматингизга тайёрмиз. Хоҳлаган вақтингизни айтинг, биз тайёр, ака. Бир оғиз сўзингиз.

— Майли, шанба куни пешинга ҳозирлик кўринг. Душанбадан сизга навбатдан олдин таътил бериш ҳақидаги буйруққа имзо чекаман.

— Раҳмат хўжайин, раҳмат! Тўйга ҳам албатта бориб, ўзингиз бош бўласиз. Биздан қайтмаса Аллоҳдан қайтсин, ака.

Хуллас, тўйни аҳиллик, тотувлик, ҳамжиҳатлик билан ўтказиб олишга ҳозирлик ўша кунданоқ қизғин бошланиб кетди.

Гапнинг қисқаси «муддатидан илгари берилган меҳнат таътилини ювиш», яқин қариндош-уруғ, дўст-биродарларни машинада уйма-уй юриб тўйга айтиш, кўпдан бери дийдор кўришмаган оғайнилар билан бир пиёла чой баҳонасида ёзилган камтарона дастурхон атрофида дам-бадам қиттак-қиттак қилиш, тортинчоқлик, андиша ва ирода жиловларининг майин ипакдек бўшашиб кетиб, ёқимли, ҳавойи хаёллар суришга катта имкониятлар яратилди.

Одатда тўйбоши бироз сархуш бўлса, сахийлашиб кетади, тўй тўйдек бўлади. Шунинг учун тўйбошининг кўнглини кўтариб, унинг раъйини қайтармай, орзу-истакларини қўллаб-қувватловчилар ҳам кўп бўлади. Айниқса, наҳорга ош тортиладиган, кечқурун эса қозон қурар, сабзи тўғрар оқшоми Тўйчибойнинг роса «бити тўкилди». Сабаби, унинг ҳам турли касб ва мансабдаги ёру биродарлари бисёр эди. Тўйга фотиҳа ўқиб, сабзи тўғрарга келган меҳмонларнинг ҳар бири билан пиёла чўқиштиришга тўғри келди ҳисоб. Пиёланинг тагида қолдириш унга одат бўлмаганидан кўнгли бўшлик қилиб, охиригача сипқорди. Эс-ҳуши жойида бўлса ҳам бироз чайқалиб, тили гўё ёғсираб қолган қуруқ араванинг ғилдирагидай беҳушов ва ёқимсиз айланарди. У ўзининг бу ҳолатини сезса ҳам, иззат-нафси бунга йўл қўймас, мастлигини тан олгиси келмасди. Тўғрими, нотўғрими ҳаммага ақл ўргатиб, ҳар хил топшириқ берар, унинг сўзсиз бажарилишини талаб қиларди. Агар биров унинг сўзини икки қилса борми, таънаю дашномга қоларди...

— Хонадон соҳиблари тўйбошининг чарчаганлиги ва бироз дам олиши лозимлигини ётиғи билан укдириб, уни аввалдан тайёрлаб қўйилган махсус хонага аранг олиб киришди. У истар-истамас ечиниб, ўриндиққа ёнбошлаши биланоқ, кўзи уйқуга кетди. Бироқ, бу узоққа чўзилмади. Тўйчибойнинг тепасида бошдан-оёқ оппоқ либосга ўралган узун бўйли бир шарпа пайдо бўлиб, уни жиддий огоҳлантирди:

— Тўйчибой, вақтингиз битди. Тайёргарлигингизни кўринг. Эрталаб наҳорда жонингизни оламан, пешинда жанозангиз ўқилади.

— Ҳазиллашаяпсизми тақсир? Тўй нима бўлади, тўй? Эрталаб наҳорга ош тортилади. Одамлар тўйга келадими, мени кўмганими?

— Ҳеч қандай ҳазили йўқ. Рост гап бу. Фармони олий шундай!

— Ўлим ҳақ нарса, тақсир. Унга доим тайёрман.

Аммо, муддатини биров кечиктиришнинг сира иложи йўқми? Бир камбағалнинг неча йиллар йиғиб-териб қилаётган тўйини азага айлантириш адолатдан эмас-ку.

— Афсуски, бунинг сира иложи йўқ. Аллоҳнинг амри вожиб. Биз ожиз бандалар бунга сўзсиз итоат қилмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Оқ шарпа шундай деди-ю, аста-секин кўздан ғойиб бўлди. Тўйчибой совуқ терга тушиб, чўчиб ўрнидан турди-да, апил-тапил кийиниб ташқарига чиқди. Электр нурларидан чароғон бўлган катта ҳовлида эрталабки ошга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етган, ҳовлига сувлар сепилиб, супирилган, турна қатор тизилган узун столларга оппоқ дастурхонлар ёзилган, ҳаммаёқ саранжом-саришта, жимлик ҳукм сурарди. Ҳовлида баъзи бир чала қолган юмушларни қилаётган бир-иккита одамдан бошқа ҳеч ким йўқ. «Наҳотки, шунча тайёргарлик тўйга буюрмай, азага яраса! Э, тавба!»

Тўйчибойнинг эти жунжикиб кетди, оёқ-қўлидан куч-мадор қочиб, аъзойи-бадани қалтираб, ҳофизлар учун ҳозирлаб қўйилган ёғоч сўрининг зинасидан аранг кўтарилди. Сўрининг бир чеккасига омонатгина ўтириб, яна ҳовлидаги саранжом-саришталик, тайёргарликларга суқланишми, энтикишми, изтиробгами ўхшаш мавҳум бир ҳолат, айни пайтда чексиз алам, афсус ва надоматлар билан разм солди. «Ҳамма нарса тайёр, таппа-тахт. Фақат тўйга эмас, азага! Эрталаб бу ерда роса қиёмат-қойим бўлади. Ош-ошда қолади, кўзлар ёшга тўлади!»

Шу вақт ҳовли тўридаги пешайвон зинасидан тўй тараддуди билан бир қоп семириб, янада яшариб, нуроний бўлиб кетган, ёши саксонлардан ошган онаизори у томон кела бошлади. Тўйчибойнинг олдидан ўз хонаси томон ўтар экан, унга фахр ва ифтихор билан тикилиб, дилидагини тилига чиқарди:

— Минг раҳмат сенга, болажоним. Отасиз қолган ука, сингилларингга бош бўлиб, мен билан баравар емай едирдинг, киймай кийдирдинг. Келинимга ҳам раҳмат. У ҳам етим қолган болаларимни мен қатори она бўлиб бағрига босди, оналик қилди. Худо хоҳласа, бу қилган яхшиликларингизга сизларга худодан қайтади. Мен сизлардан умрбод розиман, болам. Ишқилиб яхшилигингни кўрай, ғамингни кўрмай. Тўй ҳаракати билан анча чарчадинг, уриндинг, болажоним, неча кундан бери сира тиниминг йўқ. Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Ётиб бир пас дамингни ол, эрта туришинг керак.

Тўйчибой онасининг тўй ҳаракати билан юз-кўзларидаги ўзгача завқу шавқ, тароват, гап-сўзларидаги шукроналик, меҳру саховатни кўриб бир қувонса, кутилмаганда бошига томдан тараша тушадиган эртанги оғир мусибатни ўйлаганида ич-ичидан зил кетарди. «Эй меҳрибон ва мушфиқ онагинам! Бугунги шодлигинг эртага қандай ғам, алам билан алмашишини билсанг эди! Бугун қувончдан порлаётган кўзларингдан эртага аччиқ-аччиқ ёшлар тўкилади! Бугун нақадар бахтли бўлсанг, эртага шунчалар бахтсизсан! Суянган тоғинг, ишонган боғинг сени ташлаб кетади, бевақт ўлади! Ўн гулидан бир гули очилмай сўлади!! Алвидо, онагинам!»

Тўйчибой шуларни хаёлидан ўтказар экан, беихтиёр кўзларига ғилт-ғилт ёш келиб, томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди. «Биров ўлганда жасади тепасида без бўлиб тургандан, кўнгилдагини айтиб-айтиб, овозини чиқариб йиғлаш ҳам санъат» деб қўйди ўзича. «Айтмоқчи, фалончининг овози чиқмаяптими? Хабари бўлмагандир ҳали. Билганида келарди, жуда йиғлашни ҳам қотиради-да барака топгур. «Сув деганда шарбат берган жигарим! Нон деганда новвот берган жигарим! деб ҳамманинг жигар-бағрини эзади. Қизиғи, кўзида ёши бўлмаса ҳам қўлига дастрўмол ушлаб, ростдан ҳам жон куйдириб йиғлаётган одамнинг овози, важоҳатини беради. «Албатта унга хабар бериш керак».

У савол назари билан ҳовлига тикилган эди, кенжатой укасининг юрганини кўриб, уни ҳузурига чорлади.

— Акаларингни чақир!

Биз зумда тўрт ака-ука ёнма-ён туриб, «Нима гап?» дегандай бир-бирларига маъноли боқишди.

— Бирор камчилик борми, акажон?

— Назаримда ҳамма нарса етарли. Эрталабга яхши тайёргарлик кўрилди.

— Ошпаз ҳам, чойхоначи ҳам ўрнида. Новвой ҳам иссиқ нонни вақтида етказиб беради, — дейишди улар бирин-кетин ўзларича ахборот бериб.

— Фақат! — деди укаларининг гапини бўлиб Тўйчибой уларга маъюс тикилиб, кўзларига ёш олиб. — Фақат тўйда мен бўлмайман!

— Нега? Нима учун?

— Хабар келди.

— Қандай хабар? Кимдан?

— Ухлаб ётсам, тепамга Азроил келиб, огоҳлантириб кетди. Эрталаб наҳорда жонимни олармиш!

— Нима деяпсиз, ака? Ҳазиллашмаяпсизми? Балки туш кўргандирсиз?

— Наҳотки, тўйимиз...

— Ҳа, афсуски, азага айланадиган бўлиб турипти! Яхши-ёмон гапирган бўлсам, мендан рози бўлинглар. Ош ўтгунча бу ҳақда ҳеч кимга билдирманглар, ҳатто оийимларга ҳам. Тушунарликми? Тўй азага айланмасин!

Ака-укалар қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлаб, астойдил кўз ёши қилиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборишди. Шу вақт пешайвондан Тўйчибойнинг хотини Фароғатхон чиқиб, ака-укаларнинг сўри олдида жам бўлишганини кўриб, уларга яқинлашди.

— Ҳа, нима гап? Тинчликми? Тўрт оғайни ярим кечада яна бирор нарсанинг режасини қилаяпсизларми?

Қараса, ака-укалар жим. Уларнинг кўзларида ёш, юзлари негадир маъюс, ғамгин.

— Нима гап, тинчликми?

— Мен кетадиган бўлиб қолдим, хотинжон, — деди ниҳоят Тўйчибой орага тушган жимликни бузиб, маъюс оҳангда.

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди? У дунёга!

— Нима, бирор элчи келдими?

— Ҳа. Ихтиёр менда бўлмаса нима қилай? Эрталаб наҳорга олиб кетаман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб турганидан кейин кетаман-да!

— Кетмайсиз, вассалом! Ҳеч қаёққа кетмайсиз! Қани ўша Азроилингиз, менга кўрсатинг-чи, у билан ўзим гаплашаман! Авваламбор тўйбоши деган одам ҳалиги отинг ўчгурдан камроқ ичиши керак! Ичкиликни чиқарганнинг хонасига ўт тушсин! Тўй бошланиптики, бошингиз ичкиликдан чиқмайди! Энди бўлса, ҳамманинг ўтакасини ёриб, ўламан деб куйдирасиз. Ухлаб, бироз тиниқинг! Васвасангиз ҳам қурсин!

Шу тариқа хотиннинг бир оғиз сўзи, дағдағаси билан тўй азага айланмай қолди. Эрни ҳимоя қилиб, Азроилни ҳам йўлдан адаштирган бундай хотинларга тасаннолар бўлсин-е!

Искандар РАҲМОН.

